Ватан севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи 10 сўм.

1993 йил 8 июнь, сешанба

№ 104 (21.455).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ВАЛЮТАНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

«Валютани тартибга солиш тўғрисида» ва «корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида 1993 йил 7 майдаги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ва халқаро тўловларни марказлашган тартибда амалга ошириш учун чет эл валютасида олинадиган барқарор молиявий манбаларни таъминлаш, республика валюта фондини шакллантириш, аҳоли учун биринчи навбатда зарур бўлган буюмларни чет элдан харид қилишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик ёки бошқа фаолият билан шуғулланувчи ҳамда чет эл валютасида тушум олувчи мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар чет эл валютасида олинган тушумдан солиқ тўлайдилар;

бартер экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда валюта тушуми суммаси битим қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади ва чет эл валютасида олинган тушумга солиқ солишнинг объекти бўлиб ҳисобланади;

чет эл валютасида олинган тушумдан 25 фоизли ставка бўйича солиқ — республика валюта фондига ва 10 фоизли ставка бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрининг тегишли валюта фондларига тўланади. Бунда валютанинг 5 фоизи республика валюта фондига ажратмаларнинг 25 фоизи ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ марказий банкка ажратилиши сотилиши керак.

2. Қуйидагилар тасдиқлансин:

чет эл валютасида олинган тушумдан солиқни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

республика валюта фонди тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ (2-илова Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўпламида эълон қилинади).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ бош бошқармаси билан биргаликда:

чет эл валютасида олинган тушумдан солиқни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани ўн кун муддатда ишлаб чиқсин ҳамда уни тегишли вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар ва бошқа солиқ тўловчиларга етказсин;

чет эл валютасида ундириладиган божлар, йиғимлар ва солиққа тегишли бўлмаган бошқа мажбурий тўловлар рўйхати тўғрисидаги таклифларни икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки ўн кун муддатда республика валюта фонди маблағларидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига валюта сотиш тартиби бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Марказий банк, Давлат солиқ бош бошқармаси, Давлат божхона қўмитаси ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда валюта, экспорт-импорт операциялари бўйича статистика ҳисоботи шаклини ишлаб чиқсинлар ва уни жорий этиш юзасидан таклифлар киритсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ваколатли банклар билан биргаликда ҳар ойда киримларнинг манбаларини ва ҳаражатлар моддаларини кўрсатган ҳолда амалга оширилган валюта операциялари бўйича ҳисоботларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этишни таъминласин.

7. Вазирликлар, идоралар, банклар ва бошқа ташкилотлар бир ой муддатда норматив ва йўриқнома ҳужжатларни мазкур қарорга ва илова қилинаётган низомга мувофиқлаштирсинлар.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 6 сентябрдаги 200-7-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари ўртоқ Ў. Т. Султонов зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 25 май.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1993 ЙИЛ 25 МАЙДАГИ ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДА ОЛИНГАН ТУШУМГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

Ушбу низом чет эл валютасида олинган тушумдан солиқ тўловчиларнинг рўйхатини, солиқни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш муддатлари тартибини белгилайди.

Солиқ тўловчилар чет эл валютасида олинган тушумдан солиқ тўлашда ушбу низомга ва Ўзбекистон Республикасининг солиқ солиш бўйича бошқа қонун ва норматив ҳужжатларига амал қиладилар.

1. Қуйидагилар солиқ тўловчилар ҳисобланадилар:

юридик шахс бўлган мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар, шу жумладан, жамоа, давлат, деҳқон хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, шунингдек, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг юридик шахс бўлмаган, аммо банк муассасаларида мустақил баланса ва ҳисоб счётига эга бўлган филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа алоҳида бўлинмалари;

хўжалик ҳисобида бўлмаган, лекин хўжалик (тижорат) фаолиятидан чет эл валютасида даромад олаётган ташкилотлар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестицияси билан ташкил этилган корхоналар, хўжалик ҳисоби принципларида хўжалик (тижорат) фаолиятини амалга оширувчи халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар, уларнинг шўъба корхоналари, филиаллари ва бошқа бўлинмалари, шунингдек, бош корхоналари бошқа давлатларнинг ҳудудларида жойлашган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги шўъба корхоналар, филиаллар ва бошқа бўлинмалар;

хўжалик (тижорат) фаолиятини амалга оширувчи, ҳукумат тасарруфида бўлмаган халқаро ташкилотлар (бирлашмалар);

банклар ва суғурта органлари.

2. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни, бошқа моддий бойликларни сотишдан ва сотишдан ташқари операцияларни амалга оширишдан чет эл валютасида олинган тушум солиқ солиш объекти ҳисобланади.

мазкур низомда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан чет эл валютасида олинган тушум деганда жўнатилган маҳсулот ҳамда бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун счётлар бўйича тўланган сумма, шунингдек, сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) учун тўланган, корхонанинг банкдаги счётига, корхонанинг кассасига ҳақиқатда тушган чет эл валютасидаги пул маблағлари, шунингдек, бошқа тадбиркорлик фаолиятидан чет эл валютасида олинган сумма тушунилади.

3. Чет эл валютасида олинган тушумга солинадиган солиқ тўловчиларнинг счётларига валюта тушуми келиб тушган вақтдан бошлаб 10 кун мобайнида Республика Валюта фондига 25 фоизли ставка бўйича ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Валюта фондларига 10 фоизли ставка бўйича тўланади.

Республика Валюта фондига ўтказиладиган 25 фоиз ажратмаларнинг 5 фоизи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ марказий банкка ажратилиши — сотилиши шарт.

4. Корхоналардан солиқ олиш мақсадида корхоналарнинг чет эл валютасидаги ялпи тушуми қуйидагилар ҳисобига камайтирилган ҳолда қабул қилинади:

юкларни транспортда ташиш, суғурта қилиш ва тарқатиш қиймати;

битимлар ва шартномаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бошқа резидентларига тегишли бўлган ҳамда улардан солиқ бевосита валютанинг ушбу қисмини олувчи томонидан тўланадиган чет эл валютасидаги тушумнинг бир қисми;

кредитлар учун фоизлар бўйича чет эл валютасидаги тўловлар суммаси, муддати ўтиб кетган ва муддати узайтирилган ссудалардан ташқари;

хайрия, экология ва соғломлаштириш жамғармаларига берилган чет эл валютасидаги тушум суммаси, лекин чет эл валютасида олинган солиқ солинадиган тушумнинг 1 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда.

5. Хайрия мақсадларида хайр-эҳсон сифатида тушувчи чет эл валютасидаги маблағлардан мақсадли фойдаланилган тақдирда;

корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг акциялари, брокерлик ўринлари, қийматли қоғозларини сотиб олганлик учун тўловнинг устав сармоясига тушган улушидан;

валюта бозорида сотиб олинган чет эл валютасидан чет эл валютасида олинган тушумга солинадиган солиқ ундирилмайди.

6. Солиқ суммаси, берилган имтиёзларни ҳисобга олиб, чет эл валютасида олинган тушум миқдоридан келиб чиқилган ҳолда солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда ҳисоблаб чиқилади.

Бунда корхона даромадларидан олинадиган солиқ чет эл валютасида олинган тушумни ўз ичига олмайдиган ялпи даромаддан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

7. Республика валюта фондининг маблағлари Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг махсус счётида жамланади ҳамда улардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган мақсадларда фойдаланилади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Валюта фондларининг маблағлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, унинг филиаллари ва бошқа ваколатли банкларнинг тегишли счётларида жамланади ҳамда улардан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланадиган мақсадларда фойдаланилади

9. Қимматбаҳо тошларни, қимматбаҳо металларни, улардан ясалган буюмларни, уран ва бошқа стратегик хом ашёни ҳамда ўхшаши йўқ технологияларни экспорт қилишдан чет эл валютасида олинган тушумдан солиқ тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

10. Чет эл валютасида олинган тушумдан солиқ олиш бўйича ҳисоботлар тегишли солиқ идораларига ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 20-кунига қадар тақдим этилади.

11. Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банклари, Давлат божхона қўмитаси ҳар ойда тегишли молия ва солиқ идораларига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган шаклга биноан амалга оширилган валюта, экспорт-импорт операциялари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этишга мажбурдирлар.

12. Экспорт қилган корхонанинг айби билан банкка тўлов ҳужжатлари тақдим этилмаган ёки товар юклаб жўнатилгандан кейин 180 кун ўтгач унинг ҳисоб счётига валюта тушуми тушмаган тақдирда банк бу ҳақда давлат солиқ идораларига маълум қилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари маҳаллий солиқ идораларининг сўровларига биноан уларга божхона декларациялари реестрларини жўнатиладиган маҳсулотлар миқдорини, валюта тушуми суммасини ҳамда экспорт юкларни жўнатишга асос бўлган бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда тақдим этадилар.

14. Чет эл валютасида олинган тушумдан солиқ тўланганидан кейин валюта тушумининг қолган қисми корхоналарнинг валюта фондларини шакллантиришга йўналтирилади, корхоналар ушбу фонд маблағларидан ўз ихтиёрлари бўйича, ўзларининг уставларида кўзда тутилган вазифаларга мувофиқ фойдаланадилар.

15. Республика Валюта фондига солиқ тўловларининг тўғрилиги ва ўз вақтида тўланганлиги учун жавобгарлик солиқ тўловчилар ва уларнинг мансабдор шахсларига юкланади.

16. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан, сотишдан ташқари операциялар натижаларидан, шунингдек, бошқа тадбиркорлик фаолиятидан чет эл валютасида олинган тушумлар, агар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий шериклар билан ҳисобкитобларни амалга оширувчи ваколатли банклардаги счётларга ўтказилиши шарт.

Чет эл валютасида олинган валюта тушумини счётга ўтказишнинг кўрсатиб ўтилган тартибини бузганликлари учун корхоналарга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молия санкциялари қўлланилади.

17. Чет эл валютасидаги тушумдан солиқнинг тўлиқлиги, тўғрилиги ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш солиқ идоралари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

18. Ушбу низом корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан бузилган тақдирда Республика Марказий банки, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, молия ва солиқ идоралари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган шаклга биноан амалга оширилган валюта, экспорт-импорт операциялари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этишга мажбурдирлар.

12. Экспорт қилган корхонанинг айби билан банкка тўлов ҳужжатлари тақдим этилмаган ёки товар юклаб жўнатилгандан кейин 180 кун ўтгач унинг ҳисоб счётига валюта тушуми тушмаган тақдирда банк бу ҳақда давлат солиқ идораларига маълум қилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари маҳаллий солиқ идораларининг сўровларига биноан уларга божхона декларациялари реестрларини жўнатиладиган маҳсулотлар миқдорини, валюта тушуми суммасини ҳамда экспорт юкларни жўнатишга асос бўлган бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда тақдим этадилар.

14. Чет эл валютасида олинган тушумдан солиқ тўланганидан кейин валюта тушумининг қолган қисми корхоналарнинг валюта фондларини шакллантиришга йўналтирилади, корхоналар ушбу фонд маблағларидан ўз ихтиёрлари бўйича, ўзларининг уставларида кўзда тутилган вазифаларга мувофиқ фойдаланадилар.

15. Республика Валюта фондига солиқ тўловларининг тўғрилиги ва ўз вақтида тўланганлиги учун жавобгарлик солиқ тўловчилар ва уларнинг мансабдор шахсларига юкланади.

16. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан, сотишдан ташқари операциялар натижаларидан, шунингдек, бошқа тадбиркорлик фаолиятидан чет эл валютасида олинган тушумлар, агар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий шериклар билан ҳисобкитобларни амалга оширувчи ваколатли банклардаги счётларга ўтказилиши шарт.

Чет эл валютасида олинган валюта тушумини счётга ўтказишнинг кўрсатиб ўтилган тартибини бузганликлари учун корхоналарга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молия санкциялари қўлланилади.

17. Чет эл валютасидаги тушумдан солиқнинг тўлиқлиги, тўғрилиги ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш солиқ идоралари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

18. Ушбу низом корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан бузилган тақдирда Республика Марказий банки, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, молия ва солиқ идоралари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган шаклга биноан амалга оширилган валюта, экспорт-импорт операциялари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этишга мажбурдирлар.

12. Экспорт қилган корхонанинг айби билан банкка тўлов ҳужжатлари тақдим этилмаган ёки товар юклаб жўнатилгандан кейин 180 кун ўтгач унинг ҳисоб счётига валюта тушуми тушмаган тақдирда банк бу ҳақда давлат солиқ идораларига маълум қилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари маҳаллий солиқ идораларининг сўровларига биноан уларга божхона декларациялари реестрларини жўнатиладиган маҳсулотлар миқдорини, валюта тушуми суммасини ҳамда экспорт юкларни жўнатишга асос бўлган бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда тақдим этадилар.

14. Чет эл валютасида олинган тушумдан солиқ тўланганидан кейин валюта тушумининг қолган қисми корхоналарнинг валюта фондларини шакллантиришга йўналтирилади, корхо-

Ғоят инсоний ва олижаноб умумбашарий муаммога бағишланган миллий семинар қатнашчиларини чин кўнгилдан табриклайман.

Аҳолини туб демократик ислоҳотлар ва бозор муносабатлари йўлидаги ларзалардан кучли ижтимоий ҳимоялаш стратегиямизнинг энг асосий негизидир. Ўзбекистон ҳукумати шу қийин даврда болаларни, кексаларни, ногиронларни, кўп болали оилаларни, ишсизларни ва жамиятнинг бошқа энг ночор табақаларини ишончли равишда химоя қилиш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилмоқда.

Бизнинг ижтимоий ҳимоялаш дастуримиз кафолатларнинг янги тизимини ишлаб чиқишга, аниқ мақсадни кўзловчи ижтимоий сиёсатни амалга оширишда ягона ёндашувни таъминлашга ҳамда давлат тузилмалари билан жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган.

Шу муносабат билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида бошқа мамлакатларнинг тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш биз учун катта аҳамиятга эгадир.

Жаҳон банки билан немис техника ҳамкорлиги жамиятнинг фаол кўмагида ўтказилаётган миллий семинар катта фойда келтиришига ҳамда жаҳон тажрибасини эътиборга олиб аҳолини ижтимоий таъминлаш ва унга хизмат қилишнинг ривожланган тизимини, меҳнат бозорини вужудга келтириш билан, аҳолига иш бериш ва уни ишга жойлаштириш билан ногиронларга тиббий ёрдам бериш, меҳнатга қобилиятини тиклаш билан боғлиқ бўлган кўпгина масалаларни батафсил кўриб чиқишига ишончим комил.

Ҳаммангизнинг муваффақиятли ва самарали ишлашингизга тилакдошман.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

1993 йил 7 июнь,
Тошкент шаҳри.

«МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ» МИЛЛИЙ СЕМИНАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ПРЕЗИДЕНТНИНГ РАСМИЙ САФАРИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 июнь куни Нидерландлар Қироллиги Бош вазири жаноб Рудольф Люббернинг таклифига биноан Нидерландлар Қироллигига расмий-амалий сафарга жўнаб кетади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ГОНОРАРЛАР ВА ФАХРИЙ УНВОНЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ҲАҚ МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг илмий ва ижодий салоҳиятини сақлаш ва мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикасида таъсис этилган фахрий унвонлар нуфузини ошириш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳар ойда бериладиган гонорарлар ҳамда фахрий унвонларга эга бўлган кишиларнинг иш ҳақи ва пенсияларига қўшимча ҳақ миқдори шу йил 1 июлдан бошлаб иловага мувофиқ белгилансин.

Гонорарлар ва қўшимча ҳақни тўлаш билан боғлиқ ҳаражатлар бюджет, пенсия, жамғармаси, шунингдек, хўжалик ҳисобидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат вазирлиги, Пенсия жамғармаси, Ижтимоий таъминот вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддат ичида юқорида айтиб ўтилган гонорарлар ва қўшимча ҳақларни тўлаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Илгари тугатилган фахрий унвонларга ҳақ тўлаш бекор қилинсин.

3. Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 16 ноябрдаги 536-сон қарори ва Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 31 декабрдаги 600-сон қарорининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 7 июнь.

(Ушбу қарор иловасини газетанинг учинчи бетида ўқийсиз).

ЎЗБЕКИСТОН: БАРҚАРОРЛИК ҚАДР-ҚИММАТИ

Мустақилликка эришиб, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олингач, мамлакатимизга бўлган қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда. Таассуфки, Ўзбекистонда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларга баҳо бераётганда баъзи бир чет эл ва собиқ марказнинг айрим оммавий ахборот воситалари бирёқламаликка йўл қўйиб, факт ва ҳодисаларни билмасдан ёки атайлаб бузиб кўрсатишга уринмоқда.

Сиёҳ қора бўлса ҳам кўнгил оқ бўлсин экан!

Куни кеча олис океан ортида нашр этиладиган «Новое русское слово» газетасига кўзимиз тушиб, дунёда холис сўз, инсоф-диёнат ҳали ҳам устувор эканига имон келтирдик. Буни қарангки, иттифоқпараст ҳамкасбларимиз ва ўзимиздан чиққан айрим сўзамоллар бизга тош отиб турганда, хорижлик муаллиф Владимир Пильняк Ўзбекистон ҳақида холис сўз айтишга журъат топибди. Албатта, унда айрим баҳсли ўринлар ҳам йўқ эмас.

Қуйида шу мақолани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Кейинги вақтларда «Новое русское слово» газетасида Ўзбекистондаги аҳвол ҳақида бир қанча мақолалар эълон қилинди. («Ўзбекистон президенти ўзини ҳимоя қилмоқда» — 6—7 март, «Мустақил Ўзбекистон: қатағонлар солномаси» — 12 март ва ҳоказо). Бу мақолаларда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шаънига жиддий танқидий гаплар айтилган. Уни коммунистик усуллар билан раҳбарлик қилишда, Тожикистондаги можарога аралашишда, энг муҳими эса — республикада қатағон тузумини ўрнатишда айбладилар. Ўзбекистонда, дейилади 6—7 мартда эълон қилинган мақолада, — «Бирлик» мухолиф демократик ҳаракатининг фаолияти уч ойга тақиқлаб қўйилди, мухолифатнинг ҳамма газеталари ёпилди, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи бир неча киши устидан суд ўтказилди. Ниҳоят: «Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг ҳолати собиқ СССР республикалари орасида жуда ёмон» деган хулоса чиқарилади.

Газетхонлар мазкур мақолаларда Ўзбекистондаги вазият фақат Президент Каримовга ва унинг сиёсий йўлига душман бўлганлар нуқтаи назаридан баҳоланганини пайқаб олдилар. **Ҳолбуки, қадимий румодаёқ: «иккинчи томоннинг ҳам фикри эшитилсин», дейилар эди.**

Гапни шундан бошламоқчиман: Президент Каримов ўз сиёсий рақибларининг танқидига бир неча бор жавоб қайтарди. Расмий баёнотларидан бирида у ўз далил-исботларини қуйидаги сўзлар билан мухтасар ифодалади: «Ўзбекистонда ақидапарастлик ғалаба қиладими ёки демократиямми, деган масала ҳал этилаётган бир пайтда мухолифатнинг икки-уч арбоби ҳақида гапиришга на ҳожат». Амалий равишда қисқа таърифлаб берилган бу масала бултур Американинг бир фирмаси ишлари билан шу республикага борганимда у ердаги сиёсий вазият ҳақида олган таассуротларимга аниқ-равшан мос келади. **Ҳа, Ўзбекистонда ақидапарастлик** бирданига барча жабҳалар бўйлаб: сиёсатда ва иқтисодиётда, катта шаҳарларда ва қишлоқ туманларида ҳужум қилмоқда. Бир мисол келтираман. Наманган, Бухоро, Фарғона ва Андижон вилоятлари деярли барча рус аҳолисини қисиб чиқарди, деса бўлади. Ўзбек бўлмаганларнинг кўпчилиги жўнаш тараддудини кўришмоқда. Бу одамлар бир амаллаб жўнаб кетиш ва Россиянинг бирон-жойидан тураржой топишнигина орзу қилмоқдалар. Аммо бу орзуни рўёбга чиқариш унчалик осон эмас. Каримовнинг амалий фаолиятини баҳолаганда аввалги тузум унга қолдирган аянчли меросни эътиборга олмасдан бўлмайди. Пахта яккаҳокимлигига зўр берилгани ва кимёвий ўғитлардан меъёрсиз фойдаланилгани табиий муҳитнинг ҳалокатли булғанишига олиб келган эди. Республиканинг ери, суви ва атмосфераси шу қадар заҳарландики, ҳали кўп йилларгача бундан покланиш амримаҳол. Аҳоли тановул қилаётган маҳсулотлар сиҳатсаломатлик учун ҳалокатли даражада зарарлидир.

Неча ўн йиллар мобайнида амал қилиб келган бу омилларнинг ҳаммаси ўзбек халқини жисмоний мажруҳлик ёқасига келтириб қўйган эди. Шуни айтиш кифояки, 1987 йилда ўтказилган «тиббий десант» (бу тадбирда асосан Россиядан икки мингга яқин шифокор ва тиббий ҳамшира қатнашган эди) 10.000 дан кўпроқ гўдакни омон асраб қолди. Аммо Совет Ўзбекистонининг бутун тарихи мобайнида бундан бошқа десант ўтказилмади. Шу десант билан ёки унга ўхшаш тиббий муолажа билан қамраб олинмаган болалар ёрдамдан бебаҳра қолдилар. Шунинг оқибатида республика қишлоқ аҳолисининг 40 фоизи анемия (камқонлик) дардига чалинган, 20 фоизи жигар дардига ва бошқа касалликларга мубтало бўлган. Кези келганда шуни айтмоқчиман: жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖСТ) мана шу заҳарланган туманларда қон плазмаси харид қилишни тақиқлайдиган пайт келган. Билишимча, Германиянинг бир неча тиббиёт фирмаси ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистонда ҳақиқий «плазма кони»ни топгандек бўлмоқда.

Қишлоқлардаги кўп болали оилалар анъанага кўра не машаққатлар билан йиғган маблағини никоҳга, суннат тўйларига исроф қилади, шу сабабли уларда гўдакларни жисмоний ва ақлий жиҳатдан тузукроқ камол топтиришни таъминлаш учун маблағ қолмайди. Шу муносабат билан эслатиб ўтай: собиқ СССРдаги армия раҳбарияти ўзбек йигитларидан ҳарбий қисмларда эмас, балки асосан қурилиш батальонларида кўпдан бери иш кучи сифатида фойдаланар эди.

Кўз ўнгимизда Орол денгизи ҳам ўша яроқсиз иқтисодий сиёсатнинг қурбони бўлди. Ўрта Осиёдаги иккита азим дарё — Сирдарё ва Амударё сувидан ўринсиз фойдаланилиши оқибатида денгиз сатҳи салкам беш баравар қисқариб кетди. Орол денгизи тепасида пайдо бўладиган илиқ ва нам ҳаво ўтмишда Россия ва Қозоғистоннинг ҳаво оқимларини жанубга ўтказмайдиган табиий тўсиқ бўлиб турар эди. Энди бу тўсиқ барҳам топгач, совуқ ҳаво Ўрта Осиё экинзорларига ёпирилиб, дўл ва жала келтирмоқда. Ҳозир ҳатто июль ойида ҳам жала қўйиб, дўл ёғадиган ва миллиардлаб зиён етказадиган бўлиб қолди (Ўзбекистонда ҳеч қачон бундай бўлмас эди-ку). Натижада бир қанча муҳим иссиқсевар экинларнинг ўсиб етилиши учун анча қулай давр қисқарди. Бу эса ўзбеклар учун ҳам, уларнинг қўшнилари учун ҳам кўпдан-кўп қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Энди яхши пишиб етилмаган пахта териб олинмоқда, шу сабабли жаҳон бозорида унга талаб камаймоқда.

Шу қадар кўп жуда оғир муаммоларни мерос қилиб олган Каримов ўз мамлакатидаги аҳволни яхшилаш учун бутун куч-ғайратини сарфламоқда. Бу йўлда ҳозирнинг ўзидаёқ баъзи натижаларга эришилди. Чунончи, Фарғона водийсидаги анчагина экинзорлар маҳаллий деҳқонларга хусусий мулк қилиб берилди. Бу тадбирнинг натижалари сезила бошлади. Капиталистик давлатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатилмоқда. Исроил билан муносабатларда айниқса катта муваффақиятларга эришилди. Яҳудийлар давлатидан келган мутахассислар Ўзбекистонда томчилатиб суғориш усулини йўлга қўймоқдалар, бу усул яқиндагина мустақиллик олган республика тараққиёти учун чинакам буюк аҳамиятга эгадир. Сувдан тежаб фойдаланиш пахта етиштиришга ажратилган майдонларни қисқартириш ва бўшаб қолган ерларда маккажўхори ҳамда қандлавлаги етиштириш имконини беради. Шу тариқа омихта ем ва қанд саноати учун негиз яратилади. Яқин ўтмишда вазият мутлақо бошқача эди: дон йўқлиги сабабли паррандалар ёппасига сўйиб юборилар, мевани саноатда қайта ишлаш учун керакли шакар эса ғарбдан валютага харид қилинар эди.

Исроилликлар Ўзбекистон раҳбариятининг эътиборини Ўзбекистондаги қуёш энергиясидан фойдаланишнинг беҳисоб имкониятларига ҳам қаратдилар. Энергетиканинг бу янги тури келгусида республика иқтисодиётининг энг муҳим қисми бўлиб қолса ажаб эмас.

Аммо, Каримовга қарши мақолага қайтайлик. Ҳа, инсон ҳуқуқлари жиҳатидан Ўзбекистон собиқ Совет республикалари орасида охирги ўринда турар эмиш. Хўш, агар масала шу тарзда қўйиладиган бўлса, бу борада кимни рекордчи дейиш керак? Днестрбўйи можаросига ўралашган Молдованими, ёки Жанубий Осетия ва Абхазия ишқаллигига дучор бўл-

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУЛКЧИЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»

Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1990 йил, № 31—33, 371-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1. МУҚАДДИМА:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасида мулк дахлсиздир. Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.»;

учинчи қисмининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.

2. 1-модда:

иккинчи бандининг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади»;

иккинчи бандининг иккинчи қисми «қонун» деган сўздан кейин «ҳужжатлари» деган сўз билан тўлдирилсин;

тўртинчи бандининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаронинг меҳнатидан фойдаланишга асос бўлган мулкнинг қай шаклида эканлигидан қатъи назар, фуқаро Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган иҳтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар ва кафолатлар билан таъминланади»;

бешинчи банди «зарар етмаслиги» деган сўзлардан кейин «жисмоний, юридик шахсларнинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин; «фуқаролар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. Қонун қуйидаги мазмундаги 2-модда билан тўлдирилсин:

«2-модда. Мулкчилик тўғрисидаги қонунлар

1. Ўзбекистон Республикасида мулкчиликка доир муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади.

2. Қорақалпоғистон Республикасида мулкка доир муносабатлар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан ҳам тартибга солиб турилади».

4. 2, 3, 4 ва 5-моддалар тегишинча 3, 4, 5 ва 6-моддалар деб ҳисоблансин.

5. 3-модда:

биринчи банди «иншоотлар» деган сўздан кейин «маҳсулотлар, **турар жой** ва квартиралар, маҳсулот белгилари, саноат намуналари» деган сўзлар билан тўлдирилсин; «**унумли ва якодий**» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

6. 4-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4-модда. Мулкий ҳуқуқ субъектлари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, жамоалар, уларнинг бирлашмалари, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар, фуқароларнинг оиласи ва ўзга бирлашмалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари, халқ депутатларининг барча бўғиндаги Кенгашлари ҳамда улар ваколат берган давлат бошқаруви идоралари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар, бошқа давлатларнинг юридик шахслари ва фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар мулкий ҳуқуқ субъектларидир. Турли юридик шахслар ва фуқаролар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар айнан битта мулкнинг субъектлари бўлиши мумкин».

7. 5-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5-модда. Мулк шакллари

1. Ўзбекистон Республикасида мулк қуйидаги шаклларда бўлади:

хусусий мулк;

ширкат (жамоа) мулки;

маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулкидан (коммунал мулкдан) иборат давлат мулки;

аралаш мулк;

бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар юридик **ва жисмоний шахсларнинг** мулки.

2. Ўзбекистон Республикаси барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этилишини кафолатлайди».

8. 6-модда:

биринчи ва иккинчи бандларидан тегишинча «Қорақалпоғистон Республикаси» ва «Қорақалпоғистон Республикасининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи бандидаги «фуқаролар», «фуқароларнинг» деган сўзлар тегишинча «жисмоний шахслар», «жисмоний шахсларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. II Бўлим қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«II БЎЛИМ. ХУСУСИЙ МУЛК

7-модда. Хусусий мулк

1. Хусусий мулк ўз молмулкига хусусий тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир. Хусусий мулк мулкдорнинг ишлаб чиқариш жараёнида ва (ёки) ёлланма меҳнатни қўллашда шахсан бевосита иштирок этишига асосланиши мумкин».

2. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари **каби** дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор ўз мулкидан фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина маҳрум этилиши мумкин.

3. Хусусий мулк фуқароларнинг ёлланиб ишлашдан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишдан олган даромадлари ҳамда кредит муассасаларига қўйган маблағларидан, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлардан келган даромадлардан, мерос бўйича ва амалдаги қонун ҳужжатларида ман этилмаган ўзга асосларга мувофиқ мол-мулкка эга бўлишлари ҳисобига ҳосил этилади ва кўпайиб боради. Фуқароларнинг хусусий мулки уларнинг давлат мулкини хусусийлаштиришда иштирок этиши ҳисобидан вужудга келтирилишига ҳам йўл қўйилади.

4. Фуқаро ўзининг меҳнат қилиш қобилияти — ишчи кучини тасарруф этишда мутлақ ҳуқуққа эга. У бу ҳуқуқни мустақил тарзда ёки шартнома (битим, аҳдлашув) асосида амалга оширади.

5. Уй-жой кооперативининг, уй-жой қуриш, дала ҳовли, гараж кооперативи ёки бошқа кооперативнинг аъзоси фойдаланиш учун ўзига бериб қўйилган квартира, дала ҳовли, гараж ёхуд бошқа иморат ёки бино учун пай бадалини батамом тўлагач шу мол-мулкка нисбатан мулкий ҳуқуқни қўлга киритади.

Давлат ва идоравий уй-жой фондининг уйидан турар жойни ижарага олган ижарачи ва унинг оила аъзолари мулкдордан тегишли квартира ёки уйни (уйнинг бир қисмини) сотиб олишга ҳақлидир.

Мазкур мол-мулкни мулк қилиб сотиб олганидан кейин фуқаро уни ўз хоҳишига кўра тасарруф этишга — сотишга, васият қилиб қолдиришга, ижарага беришга, ундан гаров сифатида фойдаланишга, **унга доир қонунга** зид бўлмаган бошқа битимлар тузишга ҳақлидир.

6. Хусусий мулк ўз молмулкини сармоя сифатида ўртага қўйиш, давлат, кооператив ва ўзга корхоналарнинг мол-мулкини, ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш, мол-мулкни кимошди савдосида ёки қонунда йўл қўйиладиган ўзга асосларда харид этиш асосида юзага келади.

7. Хусусий мулк бўлиши мумкин бўлмаган объектлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгилаб қўйилади».

10, 9, 10, 11, 12, 13 ва 14-моддалар тегишинча 8, 9, 10, 11, 12 ва 13-моддалар деб ҳисоблансин.

11. III бўлимнинг номи ва 8-модданинг биринчи банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«III БЎЛИМ. ШИРКАТ (ЖАМОА) МУЛКИ

8-модда. Умумий қоидалар

1. Ширкат (жамоа) мулки оилавий мулкни, маҳалла мулкини, шунингдек кооперативларнинг, ижара, жамоа корхоналарининг мулкини, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотларнинг, турли **хўжалик жамиятлари ва** ширкатларининг, ассоциациялар ва юридик шахс ҳисобланган бошқа бирлашмаларнинг мулкини ўз ичига олади».

8-модданинг иккинчи бандидан «**акциядорлар жамияти**» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

8-модданинг учинчи банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Жамоа мулкининг турли шаклларига берилмайдиган мол-мулкнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши белгилайди».

12. 9-модда:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оила аъзоларининг мулки оилавий мулкдир. Бу мулк оила аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш, уй-рўзғор ва ёрдамчи хўжаликни юритиш учун ҳамда даромад олиш мақсадида қонунда рухсат берилган, ўзга фаолият учун керакли ишлаб чиқариш воситаларини ва истеъмол буюмларини, яратилган маҳсулотларни ўз ичига олиши мумкин»;

иккинчи қисмдан «шахсий ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

13. 10-модда:

биринчи бандидаги «корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ихтиёрий тўловлари ва моддий ёрдамлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари берадиган молиявий маблағлар асосида вужудга келтирилган мол-мулкдан иборат» деган сўзлар «**юридик ва жисмоний** шахсларнинг ихтиёрий бадаллари, моддий ва хайрия йўсинидаги ёрдамлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари берадиган моддий ва молиявий ресурслар асосида вужудга келтирилган мол-мулкдан иборат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 11-модда:

учинчи банди «ўртасида» деган сўздан кейин «уставда назарда тутилган тартибда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

15. 13-модда:

биринчи бандидаги «коллективининг» деган сўз «коллективи аъзоларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 14-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14-модда. Хўжалик жамияти ва ширкатининг мулки

1. Юридик шахс ҳисобланган хўжалик жамияти ва ширкатининг мулки қатнашчиларнинг қўшган ҳиссаси ҳисобидан, хўжалик фаолияти натижасида олинган ҳамда қонунда ман этилмаган бошқа асосларда улар томонидан қўлга киритилган молмулкдан ҳосил бўлади.

2. Хўжалик жамияти ва ширкати қатнашчиси қўшган ҳисса таркибига асосий оборот фондлар, пул маблағлари ва қимматли қоғозлар, ўзга мол-мулк ҳамда мулкий ҳуқуқлар кириши мумкин.

3. Юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқаруви идоралари, башарти, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, хўжалик жамиятининг ва ширкатининг қатнашчилари бўлиши мумкин.

4. Акцияли жамият акциялар сотиш ҳисобига ҳосил бўлган, шунингдек ўз хўжалик фаолияти натижасида олинган ва қонунда ман этилмаган бошқа асосларга биноан қўлга киритилган мол-мулкнинг эгасидир.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, давлат бошқаруви идоралари, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, башарти, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, акция эгалари бўлишлари мумкин.

Давлат корхонаси ваколат берилган давлат идорасининг қарорига асосан корхонанинг бутун мол-мулки қиймати миқдорида акция чиқариб, акцияли жамиятга айлантирилиши мумкин. Акцияларни сотишдан олинган маблағ давлат корхонасининг қарзлари қопланганидан кейин тегишли бюджетга тушади».

17. 15 ва 16-модда чиқариб ташлансин; 17, 18, 19, 20, 21, 22 ва 23-моддалар тегишинча 15, 16, 17, 18, 19, 20 ва 21-модда деб ҳисоблансин.

18. 16-модда:

биринчи бандининг:

биринчи қисмидан «акциялар, бошқа» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидан «агар уларни тўлаш уставларда кўзда тутилган бўлса;», «уставга мувофиқ» ва «лекциялар, кўргазмалар, спорт ва бошқа тадбирлардан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи қисмида «давлат ва жамоат хавфсизлиги нуқтаи назаридан» деган сўзлар «миллий хавфсизлик манфаатларини кўзлаб» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмида «чет эл-дан» деган сўзлар «ўзга давлатлардан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисмида «хорижий ташкилотлар ва фуқаролардан» деган сўзлар «ўзга давлатларнинг юридик ва жисмоний шахсларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19. 17-модда:

биринчи бандининг:

иккинчи қисмида «кўзда тутилган» деган сўзлар «ман этилмаган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмида «чет эл-дан келадиган ва чет элда бўлган» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси сарҳадларидан ташқарида бўлган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20. 18-модда:

биринчи банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкига маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулки (коммунал мулк) киради. Давлат мулкини тасарруф этиш ва бошқаришни халқ (маъмурий-ҳудудий тузилма аҳолиси) номидан тегишли халқ депутатлари Кенгашлари ва улар ваколат берган давлат бошқаруви идоралари амалга оширадилар»;

иккинчи ва учинчи бандларидаги «Қорақалпоғистон Республикасининг» ва «Қорақалпоғистон Республикаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмунда бўлган тўртинчи банд билан тўлдирилсин:

«4. Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатлар билан ҳамкорликда мол-мулкка ва хўжалик фаолияти натижаларига ҳар бир давлатнинг маълум улушда эгалик ҳуқуқи асосида мулк ҳосил қилиши мумкин.

Давлатлараро манфаатларга дахлдор бўлган сув ресурсларидан, ҳаво ҳавзасидан ва бошқа мулк шаклларидан фойдаланиш улар ўртасидаги келишувга мувофиқ амалга оширилади».

21. 19-модда:

номидаги «Жумҳурият» деган сўз «Давлат» деган сўз билан алмаштирилсин;

биринчи бандининг учинчи қисмидаги «ҳокимият ва» деган сўзлар «давлат ҳокити ва» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи бандининг олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат аҳамиятига молик корхоналар, давлат олий ўқув юртлари, ижтимоий-маданий соҳа объектлари ҳамда давлатнинг республика истиқлолини ва иқтисодий мустақиллигини таъминловчи бошқа мол-мулклари киради»;

иккинчи банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Давлат талаб-эҳтиёжларини таъминлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси томонидан ер майдонлари ҳамда бошқа табиий захиралар ва объектларни бериш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади».

22. 20 ва 21-моддалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20-модда. Давлат мулкининг субъекти

Ўзбекистон Республикаси халқи давлат мулкининг субъектидир. Мулкий ҳуқуқни халқ номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва улар ваколат берган давлат бошқаруви органлари амалга оширади.

21-модда. Ўзбекистон Республикаси субъектларининг республика сарҳадларидан ташқаридаги мулки

Ўзбекистон Республикасининг республика сарҳадларидан ташқаридаги давлат мулки ҳисобланган молмулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда молмулк қайси давлатда жойлашган бўлса, шу давлатнинг қонунлари, шунингдек халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солиб турилади».

23. 24, 25 ва 16-моддалар чиқариб ташлансин;

27, 28, 29, 30, 31 ва 32-моддалар тегишинча 22, 23, 24, 25, 26 ва 27-моддалар деб ҳисоблансин.

24. 22-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22-модда. Маъмурий-ҳудудий тузилма мулки (коммунал мулк) объектлари

Маҳаллий бюджет ҳисобидан вужудга келтирилган ҳамда сотиб олинган, шунингдек давлат мулкидан ўтказилган ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлган молмулк вилоят, туман, шаҳар ёки бошқа маъмурий-ҳудудий тузилма мулкининг объектидир. Давлатнинг мутлақ мулкига тааллуқли объектлар коммунал мулк ҳисобланмайди».

25. 23-модда:

биринчи гапдаги «маъмурий-территориал тузилма» деган атама «маъмурий ҳудудий тузилма» деган атама билан алмаштирилсин;

иккинчи гап қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Мулкий ҳуқуқни рўёбга чиқаришни Ўзбекистон Республикасидаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари амалга оширадилар».

26. 24-модданинг иккинчи ва учинчи бандлари чиқариб ташлансин.

27. 25-модда:

биринчи банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Солиқлар ва бошқа бюджетга тўловлар амалга оширилганидан кейин давлат корхонасида қоладиган фойданинг (даромаднинг) бир қисми (соф фойда) корхона меҳнат жамоаси аъзоларининг мулкига айланиб, ундан Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ва корхона уставига мувофиқ фойдаланилади»;

иккинчи банди «фойда» деган сўздан кейин «даромад» деган сўз билан тўлдирилсин.

28. 27-модда:

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аралаш мулкнинг ўз маблағларини бирлаштираётган мулкдорларнинг мақоми билан белгиланадиган ҳар хил турлари бўлади. Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг, турли юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини бирлаштиришга йўл қўйилади».

29. V БЎЛИМ ҚУЙИДАГИ МАЗМУНДАГИ 28-МОДДА БИЛАН ТЎЛДИРИЛСИН:

«28-модда. Қўшма корхоналарнинг мулки

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг юридик ҳамда жисмоний шахслари иштирокидаги қўшма корхоналар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик жамиятлари ва ширкатлари шаклида барпо этилиб, улар таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун зарур мол-мулкка эгалик қилишлари мумкин».

30. VI бўлимнинг номидаги «Қўшма корхоналар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

31. 33-модда чиқариб ташлансин.

32. 34, 35, 35, 37, 38, 39 ва 40-моддалар тегишинча, 29, 30, 31, 32, 33, 34 ва 35-моддалар деб ҳисоблансин.

33. 29-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29-модда. Чет эл фуқароларининг мулки

Чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мулкларига эгалик ҳуқуқига эгалар. Давлат бу мулкнинг дахлсизлигини ва бошқа давлатларга эркин ўтказилишини кафолатлайди.»

34. 30-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30-модда. Чет эл юридик шахсларининг мулки

Чет эл юридик шахслари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик фаолиятларини ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида ман этилмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўладиган ўз мулкларига эга бўлишга ҳақлидирлар. Чет эл юридик шахсларининг мулки давлат томонидан муҳофаза этилади. Мулкни кўпайтириш ва бошқа давлатларга ўтказиш қонунан таъминланади».

35. 31-модда:

«ижтимоий-маданий» деган сўзлардан кейин «хайрия» деган сўз билан тўлдирилсин; «Уларнинг молмулкини асраш, кўпайтириш ва бошқа давлатларга ўтказиш имконияти кафолатланади» деган жумла билан тугаллансин.

36. 32-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32-модда. Мулкий ҳуқуқнинг кафолати

1. Ўзбекистон Республикаси мулкий ҳуқуқни амалга оширишни кафолатлайди, мулкдорнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, мол-мулкни кўпайтиришни чеклашга ҳамда уни мажбуран тортиб олишга йўл қўйилмайди.

2. Ўзбекистон Республикасининг ва бошқа давлатларнинг юридик ҳамда жисмоний шахсларига мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси тенг шароитлар яратиб беради».

37. 33-модда:

учинчи банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мулкий ҳуқуқни ҳимоя қилиш суд ёки хўжалик суди томонидан амалга оширилади».

38. 34-модда:

биринчи бандининг иккинчи қисмидаги «давлат ҳакамлиги ёки бошқа бетараф суд» деган сўзлар «ёки хўжалик суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи бандининг учинчи қисмидаги «суднинг, давлат ҳакамлигининг» деган сўзлар «суднинг ёки хўжалик судининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 7 май.

ЎЗБЕКИСТОН: БАРҚАРОРЛИК ҚАДР-ҚИММАТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ган Грузияними? Арманистон билан Озарбайжон ўртасидаги кўп йиллик можаро қанчадан-қанча одамларнинг ёстиғини қуритганини ким ҳисоблаб чиққан? Тожикистончи? Афғонистонлик ақидапарастлар «асал иси»ни пайқаб қолиб, инсон ҳуқуқлари учун курашга «ҳисса» қўшиш учун шу ерга ёпирилиб кела бошладилар... Тожикистондаги фуқаро уруши қурбонларининг сони аниқ маълум эмас, аммо юз мингга яқин киши нобуд бўлди, деб таҳмин қилиш учун ҳамма асослар бор. Тожикларнинг ярим миллионга яқини ўз уйларини тарк этиб, қочқинларга айланиб қолишди. Тожикистоннинг эртанги куни ҳақидаги таҳминлар ҳам қувонарли эмас.

Шундай қийин шароитда Ўзбекистон Республикасида барқарорликни сақлаб туриш Каримовнинг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда. Фақат шундай сиёсат ўтказилгандагина у хорижий сармоядорларни Ўзбекистонга жалб этиши мумкин. Уларнинг молиявий сармояларисиз маҳаллий иқтисодиётни юксалтириб бўлмайди. Ҳар қандай беқарорлик республика хўжалигига ҳалокатли таъсир қилади: эркин алмаштириладиган валютанинг асосий манбаи бўлмиш «сайру саёҳат индустрияси»га путур етказган террорчилар ҳаракатлари Миср учун қанчалик қимматга тушганини эслайлик.

Айни пайтда мусулмон ақидапарастлари ҳужумни давом эттиришмоқда. Улар Тожикистонда ўз тажовузкорлик мақсадларини яширмаяптилар, Ўрта Осиёдаги бу мамлакатда Ислом ақидапарастларининг ғалабаси нималарга олиб келишини Эрон мисолида яққол кўриш мумкин. Оятилло Ҳумайний раҳбарлигида амалга оширилган «ислом инқилоби» оқибатларини инсоният узоқ вақт сезиб туради. Шу касалликнинг қўшни Ўзбекистонга тарқалиши қандай оқибатлар келтиради? Бу республиканинг табиий ресурслари кўплигини эслайлик. Лекин гап фақат табиий ресурсларда эмас. Яқин ўтмишда Ўзбекистон корхоналари ва институтлари «умумиттифоқ ҳарбий саноат мажмуининг таркибий қисми бўлиб, СССР ракета қўшинлари учун асбоблар ва энг янги машина — ускуналар етказиб берар эди. Ҳозир бу корхоналар ва муассасалар ишсиз қолди. Уларнинг раҳбарлари зўр бериб янги буюртмачиларни излашяпти. Буларнинг ҳаммаси Эрондаги дин мутаассибларининг қўлига тушиб қолса нималар бўлиши ҳақида ўйламаслик мумкин эмас. Ақидапарастлар бундай қудратли техника ва бой хомашё базасини қўлга киритиб бир эмас, юзлаб ядровий бомбаларни ишлаб чиқарган, шунингдек уларни етказиш воситалари тўғрисида ҳам жон куйдирган бўлар эдилар. Бу инсониятга қандай хавф солишини тушунтиришга ҳожат йўқ. «Мустақил Ўзбекистон: қатағонлар солномаси» (Новое русское слово, 12 май) мақоласининг муаллифлари Олег Орлов билан Александр Тавризовни газета «Мемориал» ҳуқуқни муҳофаза қилиш марказининг аъзолари» деб таништирган, лекин чамаси улар бу муаммолардан ташвишланаётгани йўқ. «Ҳокимият қатағонни республикада барқарорликни қандай қилиб бўлсада сақлаб қолиш зарурлиги билан оқламоқда, — дейишади улар очиқдан-очиқ изтеҳзо билан. — Бунда ислом ақидапарастлиги асосий хавф деб кўрсатилмоқда». Эҳтимол Орлов ва Тавризов жанобларининг нуқтаи назаридан қараганда бир неча мухолифни қамоққа олиш ялпи фуқаролар уруши бошланишидан ҳам кенгроқ кўламли воқеадир. Улар инсон ҳуқуқлари учун, ҳар бир сиёсий гуруҳнинг очиқ ҳаракат қилиш ва ўз мақсадига эришиш ҳуқуқи учун кураш байроғи остида Президентга ҳужум **қилмоқдалар. Бундай фаоллик** натижасида вазият беқарор тус олса — нима бўлибди, бу унча муҳим эмас, дейишмоқда бизга. Ҳолбуки, ақидапарастларнинг таҳдиди кучайиб бораётган шароитда бундай даъватлар ғоят вайрон қилувчи тус олиши мумкин. Анвар Садат Миср**да «мусулмон биродарлар»** ташкилоти очиқ иш олиб боришига рухсат этиши биланоқ унга ўлим ҳукми чиқарилган эди. Яқингинада Тожикистон Президенти Набиев ҳам «бепоён демократия»ни бой бериб қўйди. Бунинг оқибатлари ҳаммага маълум. Хўш, шундан кейин Каримов ҳам ана шу йўлдан бориши керакми?

Орлов ва Тавризов жанобларининг юқорида парча келтирилган мақоласида ўтган йилнинг январида Тошкентда бўлиб ўтган тартибсизликларга катта жой ажратилган. Ушанда тартибсизликлар ўзларининг моддий аҳволи қийинлигидан ранжиган талабалар норозилик юриши уюштириб, шаҳар маркази томон боришга аҳд қилишларидан бошланган эди. Талабалар ётоқхоналари даҳасига келтирилган милиция кучлари намойишчиларга зарба берди, икки киши ҳалок бўлди, «жуда кўп талабалар калтакланди ва қўлга олинди», деб ёзади мақола муаллифлари.

Аммо тилга олинган «намойиш» аввал бошданоқ тинч намойиш эмас эди. Тўхтовсиз кўпайиб бораётган оломон жунбуши ҳар дақиқа кучайиб, зўравонликка айланиш хавфи бор эди. Одамларнинг кўзи қонга тўлиб, ваҳшийлашиб кетган, ғалаён бошчилари тинчланиш ва тарқалиш тўғрисидаги даъватларга ҳақорат билан жавоб қайтаришар эди. Милиционерлар тошбўрон қилинди, бўш шиша идишлар отилди. Бунга жавобан ўқ овози эшитилди. Жунбушга келган оломон Ўзбекистон пойтахти кўчаларидан ўтишига йўл қўйилмади. 1970 йилдаги даҳшатли воқеалар тошкентликлар хотирасидан ўчмаган бўлса керак, ўшанда «Пахтакор» ўйингоҳида ҳаддидан ошган безорилар (асосан партия — бюрократик раҳбарларнинг ўғиллари) кўчаларда «ўзбекларга ўхшамаган» қизлар ва аёлларни оммавий равишда хўрлаган эдилар. Бу гал шунга ўхшаш воқеалар бўлмади. Бизнингча, Лос-Анжелес полициясининг Тошкент милициясидан ўрганса арзийди. Ҳатто исроилликлар ҳам шундай қатъият билан ҳаракат қилсалар интифода билан жангда мағлуб бўлмас эдилар.

Ўзбекистон Президентининг рақиблари Ўзбекистондаги репрессиялар тўғрисида кўп гапирадилар, лекин шу вазиятнинг ўзига холис назар ташлайдиган бўлсак, бошқа собиқ Совет республикалари кўпчилигининг орасида Ўзбекистон қонунийлик ва осойишталикнинг воҳаси бўлиб қолганини кўрмаслик мумкин эмас. Ҳолбуки, бу республика яқин вақтларгача ашаддий ички тўқнашувлар майдони эди — мен месхитиларга машъум ҳужумни кўзда тутяпман. Аслида Ўзбекистон халқининг мутлақ кўпчилигининг бу ваҳшийликларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Қирғинбарот ўша вақтдаги ҳокимият идораларининг иштирокида (ёки тўғриғоғи раҳбарлигида) олдиндан тайёрланган эди. Бир неча ҳафта давомида Фарғонага жиноий унсурлар тўпланди. Уларга озиқ-овқат ва бошпана, ҳатто наркотик моддалар ва спиртли ичимликлар берилди. «Ташвиқотчилар» ҳам кам эмас эди. «Ўз-ўзидан юз берган» бу ҳаракатлар аниқ белгиланган муддатда бошланди. Ўша вақтда Ўзбекистон марказқўмининг биринчи котиби Рафиқ Нишонов бу ерда йўқ эди, у Москвада съездда эди. Хўш, бу ҳайрон қоларли даражада хабарсизликми ёки ўзининг бу ишга дахлсизлигини таъминлашга уринишмиди? Ҳар ҳолда сиёсий бюро унинг «хизматларини» тан олди, кўп вақт ўтмай у СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгашининг раиси этиб тайинланди. **Каримов даврида Ўзбекистонда бундай воқеаларнинг асари ҳам йўқ.**

Республика ҳукумати шу вақтга қадар мамлакатдаги тобора кучайиб бораётган миллатчи унсурларнинг попугини пасайтиришга муваффақ бўлмоқда. Бу тўсиқ қанчагача бардош беришини айтишим қийин, лекин ҳозирги пайтда Ўзбекистон Президенти Каримов бошчилигида ўрта аср реакцияси ва қонли бедодлик кучлари йўлида тўғон бўлиб турибди. Президент Каримов (Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Молдова Президентларидан фарқли равишда) моҳирлик билан тез ҳаракат қилиб, ўз республикасида барқарорлик ва тартибни сақлаб туришга қодир бўлса, бунинг учун шу барқарорлик ва тартиб туфайли эсон-омон юрган ўғил-қизларнинг оналари ва оталари номидан унга таъзим қиламиз. Ўзбекистон Республикасида яшаётган, ўз юртида қочоққа айланмаган ва тарқалиб кетмаган миллионлаб кишилар номидан катта раҳмат. Вайрон бўлмаган завод ва фабрикаларда, экинлар дуркун ўсаётган далаларда меҳнат қилаётган ишчилар ва деҳқонлар ўзлари бир меъёрда яшаётганлари, бир-бирларини қирғин қилмаётганлари учун миннатдор бўлмоқдалар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хавфсизлик кенгаши Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг сиёсий фаолиятига эътибор бериб, беқарорлик давом этаётган кўпгина давлатларнинг раҳбарларини унинг тажрибаси билан таништирса ёмон бўлмас эди. Можаронинг олдини олиш бундай можаро тугатишдан ҳам муҳимроқ вазифадир. **Эҳтимолки, Каримов можаро энди куртак отаётганда уни бартараф этиб, халқаро ҳамдўстликнинг миллиардлаб маблағини тежаб қолаётгандир. Балки у Нобель тинчлик мукофотига номзод қилиб** кўрсатишга арзир.

Яна бир вазиятни ҳисобга олиш керак. Урушнинг оғир йилларида гитлерчи тўдалардан қочган минг-минглаб яҳудийлар Ўзбекистон ҳудудида бошпана топдилар. Ўша яҳудийларнинг ҳозир Қўшма Штатларда яшаётганларига ҳамда уларнинг авлодларига мурожаат қилмоқчиман: сизларнинг оиларингизни сақлаб қолган ўзбек халқининг меҳмондўстлигини эсланг ва унга ёрдам беринг. Бу халқ ҳозир икки йўл ўртасида турибди.

Владимир ПИЛЬНЯК.

«Новое русское слово» газетаси (АҚШ),
1993 йил, май.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЕР СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ер солиғи белгилаш қоидалари

Ўзбекистон Республикаси «Ер тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш учун ҳақ тўланади.

Ер учун ҳақ ҳар йилги ер солиғи шаклида ундирилиб, унинг миқдорлари ер участкасининг сифати, қандай жойдалиги ва сув билан қандай таъминланганлигига қараб белгиланади.

Ер солиғининг миқдори ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг хўжалик фаолияти натижаларига боғлиқ бўлмайди ҳамда ер майдони бирлиги учун белгиланган ҳақ тарзида тўланиб, ишлаб чиқариш харажатларига киритилади.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан ижарага бериладиган ер учун ижара тўлови ундирилиб, **унинг миқдори** томонларнинг ўзаро келишувига биноан белгиланади, бироқ бу миқдор қонунларда назарда тутилган ер солиғи ставкаларидан кам бўлмаслиги керак.

2-модда. Ер солиғи тўловчилар

Ўз тасарруфида ва фойдаланишида **ер участкаларига** эга бўлган бирлашмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, чет эл юридик шахслари, уларнинг ташкилотлари, бўлинмалари ва филиаллари, шу жумладан қўшма корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган филиаллари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ер солиғи тўловчилар ҳисобланадилар.

Ушбу моддада уқтириб ўтилган ер солиғи тўловчилар бундан буён матнда «юридик шахслар» ва «фуқаролар» деб юритилади.

II. ЕР СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ

3-модда. Ер солиғи ставкалари

Ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ҳар бир ерга эгалик қилувчи ва ердан фойдаланувчи учун ер солиғи ставкаларининг миқдорлари ер участкасининг сифати, қандай жойдалиги ва сув билан қандай таъминланганлигига қараб, табақалаштирилган ҳолда белгиланади.

Ерга эгалик қилувчи ёки ундан фойдаланувчининг айби билан ернинг сифати ёмонлашган (бонитети пасайиб кетган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашишига қадар белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

4-модда. Ер солиғини бюджетга ўтказиш ва солиқ тўловларидан фойдаланиш

Ер солиғи тўловлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган миқдорларда халқ депутатлари тегишли вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларининг бюджетига тушади.

Тўловларнинг бир қисми республика миқёсидаги тадбирларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг бюджетида марказлаштирилади. Бундай ажратмаларнинг меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ер солиғи тўловларидан тушган маблағ энг аввало ерларни муҳофаза қилишни яхшилашга, ерларнинг унумдорлигини оширишга, ирригация ва мелиорация ишларига, ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчиларни, шу жумладан ижарачиларни рағбатлантиришга, ер тузиш ишларини ташкил этишга, Давлат ер кадастри юритиш ва ҳудудни ижтимоий ривожлантиришга сарфланади.

III. ЕР СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

5-модда. Юридик шахслар томонидан ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

Ер солиғи юридик шахслар томонидан ҳар йили 1 январгача бўлган ҳолатга қараб мустақил ҳисоблаб чиқарилади. Юридик шахслар тўланиши лозим бўлган ер солиғининг ҳисоб-китобларини 1 февралдан кечиктирмай ер участкаси жойлашган ҳудуддаги солиқ идорасига тақдим этадилар.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ер солиғини, тўланиши лозим бўлган сумманинг йиллик ҳисоб-китобини қилиб, йилнинг ҳар чорагида тенг улушларда 15 февраль, 15 май, 15 август ва 15 ноябрда, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотлари — 15 сентябрь ва 15 декабрда тўлайдилар.

Юридик шахслар йил давомида ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиб қолганлари ёки ўзлари фойдаланадиган ер майдонини кўпайтирганлари тақдирда ер майдони ажратилган ёки кўпайтирилган кундан бошлаб кўпи билан бир ой ичида солиқ идораларига ер солиғига доир ҳисоб-китобларни тақдим этишлари шарт.

Йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилгандан кейинги ойдан бошлаб тўланади. Ер участкаси олиб қўйилган (ер майдони камайтирилган) тақдирда солиқ ундириш ер участкаси олиб қўйилган ойдан бошлаб тўхтатилади (солиқ миқдори камайтирилади).

6-модда. Фуқаролар томонидан ер солиғи тўлаш тартиби

1. Ерга эгалик қилувчи ёки ундан фойдаланувчи ҳисобланган фуқаролар солиқ идоралари томонидан ҳар йили 1 январгача бўлган ҳолатга қараб рўйхатга олинадилар. Солиқни ҳисоблаш ва тўлашга хабарномалар тақдим этиш 1 апрелга қадар якунланади. Фуқаролар йилига бир марта 1 ноябрга қадар ер солиғи тўлайдилар.

2. Фуқароларга йил давомида ер участкаси ажратилган (қўшимча ер берилган) тақдирда ер солиғи ер участкаси ажратилгандан кейинги ойдан бошлаб ҳисобланади. Ер солиғи ундириш ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) ойдан бошлаб тўхтатилади (камайтирилади).

Ер солиғи бериб қўйилган ер участкасидан фойдаланилгани ёки фойдаланилмаганидан, шунингдек қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги даражасидан қатъи назар, ундирилади.

7-модда. Қорақалпоғистон Республикасида ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ундириш тартиби

Қорақалпоғистон Республикасида ер солиғи ушбу Қонунда, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарилади ва ундирилади.

IV. ЕР СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

8-модда. Солиқ ундирилмайдиган ер участкалари

1. Қуйидаги ерлар, чунончи:

а) шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари, ариқ тармоқлари ва ҳоказо);

б) боғдорчилик-деҳқончилик ширкатлари, жамоат гаражларининг умумий фойдаланишдаги ерлари;

в) табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятидаги ерлар (қўриқхоналар, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, буюртма қўриқхоналар (ов қилишга мўлжалланганларидан ташқари) ва табиат ёдгорликлари, ихота дарахтзорлари;

г) соғломлаштириш ишларини ўтказиш аҳамиятидаги (касалликларнинг олдини олиш ва одамларни даволаш учун мақбул табиий омилларга эга бўлган) ерлар;

д) истироҳатгоҳ ерлар (ўрмонзорлар, боғлар, хиёбонлар, сайргоҳлар, чўмилиш жойлари ва шунга ўхшаш аҳолининг оммавий дам олиши ва сайёҳликни ташкил этиш учун тегишли муассасаларга берилган ерлар);

е) тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган ерлар (тарихий-маданий қўриқхоналар, хотира боғлари, қабристонлар, археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари ва ҳоказо);

ж) сув фонди ерлари (дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, ички денгизлар, ботқоқликлар, гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув хўжалигининг эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган сув ҳавзалари теграсидаги ерлар ва бошқалар);

з) заҳира ерлар;

и) электр узатиш тармоқлари, кабел линиялари ва подстанциялар учун ажратилган ерлар, иссиқлик трассалари ва газ қувурлари, умумдавлат алоқа линиялари ўтган ерлар ҳамда уларнинг иншоотлари жойлашган ерлар;

к) спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари, спортнинг техника турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия соғломлаштириш комплекслари, оналар ва болаларнинг дам олиш-соғломлаштириш жойлари, ўқувмашқ базалари, санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари эгаллаган ерлар;

л) автомобиль ва темир йўллар ҳимоя остидаги теграси ва улардаги иншоотлари билан, (хизмат билан боғлиқ чек ер сифатида берилган ерлардан ташқари) учиш-қўниш майдонлари, шу жумладан самолётларни ерда бошқариш йўлкалари ва самолётларни сақлаш жойлари, аэропортларнинг радионавигация ва электр-ёритиш ускуналари жойлашган ҳамда умумий фойдаланишдаги шаҳар электр транспорти (шу жумладан метрополитен) учун ажратилган ерлар;

м) гидрометерология ва гидрогеология **станциялари ҳамда постлари, мол ҳайдаб** ўтиш учун ажратилган ерлар солиқ солинмайдиган ер участкаларига киради.

9-модда. Ер солиғи тўлашдан озод этилган тўловчилар

Қуйидаги тўловчилар, чунончи:

а) бузилган ёки қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларни ўз эгалигига ёҳуд фойдаланиш учун олган юридик шахслар ҳамда фуқаролар — ҳосилдорлиги тиклангунга қадар, лекин ер ажратилган вақтдан бошлаб узоғи билан беш йил давомида;

б) қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига ихтисослашган илмий ташкилотлар тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва ўқув юртлари буткул илм-фан ва таълим мақсадлари йўлида фойдаланадиган ер участкалари учун;

в) мулкчилик шақли ва бўйсунувидан қатъи назар, **маданият, таълим, соғлиқни** сақлаш ва ижтимоий таъминот муассасалари ўз зиммаларидаги вазифаларни бажариш мақсадида ажратилган ер участкалари учун;

г) «Ватанпарвар» мудофаа жамияти, «Орол» фонди, бошқа экология ҳамда хайрия фондлари;

д) ногиронларнинг жамоат ташкилотлари, бу ташкилотларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари, башарти, улардаги жами ишловчиларнинг камида 50 фоизини ногиронлар ташкил этса;

е) камсонли халқлар ва этник гуруҳлар яшайдиган жойларда анъанавий ҳунармандчилик ва хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар — қишлоқ хўжалигидан бўлак мақсадлар йўлида фойдаланадиган ер участкалари учун;

ж) чет эл юридик шахслари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл юридик шахслари ва фуқаролари иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналар ҳамда уларнинг филиаллари — башарти, чет эллик иштирокчининг устав фондидаги улуши 30 фоиздан ортиқ бўлса, рўйхатдан ўтган кундан эътиборан икки йил давомида;

з) қишлоқ хўжалик мақсадларида ўзлаштирилиш жараёнида бўлган ёки мелиоратив ҳолати яхшиланаётган ер участкаларининг эгалари — лойиҳада кўрсатилган муддатларда;

и) деҳқон хўжаликлари — рўйхатга олинган пайтдан бошлаб 2 йил муддатга;

к) яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, туябоқарлари, механизаторлари, ветеринария врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

л) Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, учала даражадаги Шуҳрат орденлари билан мукофотланган шахслар, Социалист меҳнат қаҳрамонлари, Улуғ Ватан уруши ногиронлари **ва қатнашчилари** ҳамда байналмилал бурчини бажарган шахслар, I ва II гуруҳ меҳнат ногиронлари, боқувчисидан маҳрум бўлган кўп болали оилалар, болалигидан ногиронлар, болалигида концентрацион лагерларнинг тутқуни бўлган фуқаролар, Чернобиль атом электр станциясидаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар, шахсий ва ёлғиз пенсионерлар — якка тартибдаги уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонунларда назарда тутилган меъёрлар доирасида берилган ер участкалари учун;

м) кўчиб келган фуқаролар — ер участкалари берилган вақтдан бошлаб 5 йил давомида ўзлари кўчиб келиб жойлашган ер участкалари учун;

н) фуқаролар — ер участкалари берилган вақтдан бошлаб 3 йил давомида якка тартибдаги уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонунларда белгиланган меъёрлар доирасида берилган ер участкалари учун ер солиғи тўлашдан озод қилинадилар.

10-модда. Айрим ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар учун ставкалар ҳамда қўшимча имтиёзлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги эҳтиёжларига ажратилган ер участкалари учун (қишлоқ хўжалиги фаолияти юритиш мақсадида ажратилган ерлардан ташқари) ер солиғи ставкалари ҳамда ер солиғи бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

2. Вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ваколатли ҳокимият идоралари фуқароларга ва юридик шахсларга тегишли бюджетга ажратиладиган суммалар доирасида ер солиғи тўлови бўйича қўшимча имтиёзлар беришга ҳақлидирлар.

V. ЮРИДИК ШАХСЛАР, ФУҚАРОЛАР ҲАМДА СОЛИҚ ИДОРАЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

11-модда. Юридик шахслар ва фуқароларнинг вазифалари

Юридик шахслар ва фуқаролар:

а) ер солиғини тўлашга доир ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош давлат солиқ бошқармаси белгилайдиган шаклда ер участкаси жойлашган шаҳар ёки туманнинг солиқ идорасига тақдим этишлари;

б) тўланиши лозим бўлган солиқ суммаларини ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда бюджетга тўлашлари шарт.

12-модда. Юридик шахслар ва фуқароларнинг жавобгарлиги

Юридик шахслар, фуқаролар ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ушбу Қонунни бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ моддий, маъмурий, интизомий ва жиноий жавобгар бўладилар.

13-модда. Солиқ идораларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулияти ҳамда уларнинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартиби

Давлат солиқ идораларининг юридик шахслар ва фуқароларни ҳисобга олиш, ер солиғи тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек бу солиқ тўловини ундириш чоғидаги ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги ҳамда мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилади.

14-модда. Ушбу Қонунни қўллашга доир йўриқнома

«Ер солиғи тўғрисида»ги Қонунни қўллашга доир йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош Давлат солиқ бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда, чиқарилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 6 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ЕР СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ҚИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ер солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1994 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ер солиғи жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга бевосита алоқадор ташкилотлардан 1995 йил 1 январдан бошлаб ундирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

«Ер солиғи тўғрисида»ги Қонуннинг амалда қўлланилишини таъминлайдиган қарорлар қабул қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини «Ер солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтирилсин;

ушбу Қонунга зид бўлган меъёрий ҳужжатларнинг вазирликлар ва идоралар томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳамда бекор қилинишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 6 май.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ҚИШЛОҚДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Кейинги икки-уч йил ичида Қарши районидаги Акмал Икромов номли давлат хўжалигига қарашли қишлоқлар анча обод бўлди ва гўзаллашди. Ҳилол қишлоғи ёнида яна бир йўлдош қишлоқ юзага келди. Бу — 70 дан зиёд хонадон истиқомат қилаётган Гулистон қишлоғидир.

Ҳозир янги қишлоқни тўлиқ водопроводлаштириш ва газлаштириш чоралари кўриляпти. Боғ-роғлар, шахсий хўжаликлар учун экин майдонлари яратиляпти.

Совхознинг ўзи ҳам уй-жойга муҳтож кишилар мушкулини осон қиляпти. Ўтган йили хўжалик маблағи ҳисобига Ҳилол қишлоғида 20 та коттеж қурилиб фойдаланишга топширилган эди. Яқинда Сарой қишлоғида 8 та уй қуриб битказилди. Кўпгина уй-жойлар Президент фармонига биноан ўқитувчилар, медицина ходимлари ва бошқа интиёзга эга кишиларга бепул хусусийлаштириб берилди.

— Қишлоқларда кенг миқёсда ижтимоий ислоҳотларни амалга ошираяпмиз, — дейди совхоз директори Ҳамдам Каримов. — Яна йил охиригача янгидан 20 та уй-жой қурилади. 242-механизациялашган кўчма колонна бинокорлари катта бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқдалар.

Яқинда эса «Қаршиқурилиш» бирлашмасининг 2-механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари маиший хизмат комплекси қурилишини ниҳоясига етказдилар. Бу ерда аҳолига 35 турда хизмат кўрсатилади.

Мусо КАРОМОВ.

ЧОРВА УЧУН ОЗУҚА

Сирдарё вилояти хўжаликларида дағал хашак тайёрлаш бошланди. Бу йилги ёғин-сочиннинг кўп бўлиши ҳар қачонгидан ҳам мўл-кўл табиий озуқа жамғариш имконини бераётир. Шунинг учун ҳам чорвадорлар киришдирлар, зовурларнинг бўйларида ўсаётган ўт-ўланларни ўриб олмоқдалар. Вилоятнинг Гулистон, Шароф Рашидов, Ховос районларида бу юмушлар қизғин бошлаб юборилди.

Сирдарёлик чорвадорлар бу йил камида 190 минг тонна дағал хашак жамғаришни мўлжаллаётирлар. Бу вазифани ошириб адо этиш учун имкониятлар етарли.

Абдужалил УМАРОВ.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 июндаги 274 сон қарорига илова

ГОНОРАРЛАР ВА ФАХРИЙ УНВОНЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ҲАҚ МИҚДОРИ

Фахрий унвонларнинг номи	Ойлик гонорар ва қўшимча ҳақ миқдори
1. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси	Республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 2 баравар ҳажми миқдорида
2. Фанлар академиясининг мухбир аъзоси	Фанлар академияси академиги гонорари миқдорининг 70 фоизи
3. Тармоқ (қишлоқ хўжалиги, тиббиёт) академиясининг ҳақиқий аъзоси	Фанлар академияси академиги гонорари миқдорининг 60 фоизи
4. Тармоқ (қишлоқ хўжалиги, тиббиёт) академиясининг мухбир аъзоси	Фанлар академияси академиги гонорари миқдорининг 50 фоизи
5. Ўзбекистон халқ ёзувчиси	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида
6. Ўзбекистон халқ шоири	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида
7. Ўзбекистон халқ ўқитувчиси	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида
8. Ўзбекистон халқ рассоми	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида
9. Ўзбекистон халқ артисти	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида
10. Ўзбекистон халқ ҳофизи	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида
11. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида
12. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида
13. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист	республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 80 фоизи
Бошқа тармоқларнинг хизмат кўрсатган ходимлари:	республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 60 фоизи
14. Хизмат кўрсатган архитектор	—««—
15. Хизмат кўрсатган журналист	—««—
16. Хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими	—««—
17. Хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализаторчи	—««—
18. Хизмат кўрсатган ирригатор	—««—
19. Хизмат кўрсатган қоракўлчи	—««—
20. Хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси	—««—
21. Хизмат кўрсатган саноат ходими	—««—
22. Хизмат кўрсатган алоқачи	—««—
23. Хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими	—««—
24. Хизмат кўрсатган бинокор	—««—
25. Хизмат кўрсатган спортчи	—««—
26. Хизмат кўрсатган маданият ходими	—««—
27. Хизмат кўрсатган маиший хизмат соҳаси ходими	—««—
28. Хизмат кўрсатган транспорт ходими	—««—
29. Хизмат кўрсатган спорт устози	—««—
30. Хизмат кўрсатган пахтакор	—««—
31. Хизмат кўрсатган пиллачи	—««—
32. Хизмат кўрсатган иқтисодчи	—««—
33. Хизмат кўрсатган юрист	—««—
34. Хизмат кўрсатган чорвадор	—««—
35. Хизмат кўрсатган халқ таълими ходими	—««—

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

4 июнь куни Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Уни Республика Бош вазири Абдулҳошим Муталов бошқарди.

Мажлисда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, аҳолига пулли хизмат кўрсатишнинг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари, истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда моддий бойликларни жумҳуриятдан ғайриқонуний равишда четга олиб чиқиб кетиш ҳолларига барҳам бериш масалалари муҳокама этилди. Мазкур масалалар ҳал этилиши республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг боришига ижобий таъсир этиши таъкидланди.

Мажлисда сўзга чиққан тегишли вазирлик ва идоралар, уюшма, концерн ва корпорацияларнинг раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг мутасадди муовинлари мазкур соҳада амалга оширилаётган ишлар, мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари тўғрисида гапирдилар. Хусусан, тадбиркорлик, фермер хўжаликларини ривожлантириш йўлидаги айрим тўсиқларни бартараф этиш, айниқса Ўзбекистон тадбиркорлар уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратилди. Зеро, бозор иқтисодиётини шакллантиришда тадбиркорлик муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча камайган. Бу ташвишли ҳолдир. Мазкур тармоқларнинг раҳбарларига халқнинг миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда янгича хизмат турларини ташкил этиш тавсия қилинди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари Т. Мирёқубов мажлисда сўзга чиқиб, ҳозир истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб қолаётганини уқтирди. Республика Божхона қўмитаси билан вилоят хокимликлари бу борада ҳамкорликда ишлаши даркор. Шунингдек, истеъмол бозорини ҳимоя қилишда республика вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари шахсан масъул экани кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари М. Қорабоев, А. Возненко, К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

«Заркент» жамоа хўжалиги тажрибали пиллакори Қориянхон Ҳамдамова неча йилдирки, кўкламда пилла қурти боқади. Меҳнатига ҳам чидайди. «Ҳосил теримми-ку, байрам бўлиб кетади», деб завқини яширолмайди. Ая «энди тут барги олиб келманг», деганиди уч кун ўтар-ўтмас пилла қурти тилла бўлиб кўринади. Келин-кеват дейсизми, набира-ю, мактаб ўқувчилари, атрофидаги ёш-яланглар ҳашар қилишади.

Қориянхон аянинг оиласида пилла терими ҳаммадан олдин бошланди. Аянинг бир қути пилла қуртидан олган ҳосили бу сафар 100 килограмм тарозн босди. Шу куни ая бир хумордан чиқди. Пилла теришда қатнашганларни дуо қилди.

Суратда: Фарғона вилояти Тошлоқ районидаги «Заркент» жамоа хўжалиги илғор пиллачиси Қориянхон ая Ҳамдамова.

А. ҚОСИМОВ олган сурат.

Ф. ХАЙДАРОВ, М. ИНОМОВ

Тожикистон: ХАЛҚ ФОЖИАСИ ВА ДАРД-АЛАМИ

(Давоми. Бошқа газетанинг ўтган сонларида).

201-мото-ўқчи дивизияси аскарлари ва офицерларига осон бўлмади. Полк ва батальонлар шахсий состави ярим эди. Танкларнинг, пиёдалар жанговор машиналарнинг, бронетранспортерларнинг механик-ҳайдовчилари мутлақо етишмас эди. Ақидапарастлар бундан хабардормидилар?

Албатта. Улар маҳаллий аҳоли орасида бу ҳарбий касбга эга бўлган мутахассисларни аниқлаш бўйича тайёргарлик ишларини беҳуда олиб бормадилар, Россияликлар чидай олмай, бутун жанговор техникани ташлаб, Тожикистондан кетишга мажбур бўладилар, деб ишонишарди мухолафатчилар. Бундай талаблар мунтазам қўйиб туриларди. Ҳар куни иғвогарлик уюштириларди. Масалан, Қўрғонтепа атрофида жойлашган мото-ўқчилар полки штабига кўпинча қўнғироқ қилишиб: «Сизларнинг бронетраспортерларинг бугун эрталаб бир неча оилани ўққа тутишди. Бундан ҳамма хабар топди. Бунинг учун ўч оламиз!» — дейишарди.

Россия аскарлари ва офицерлари мерганларнинг ўқи осида шаҳар ва қишлоқ кўчаларини чириётган мудралардан тозалашарди. Бу ишни улардан бошқа ҳеч ким қила олмас эди...

Дивизия командири, 40 ёшли тожик, генерал-майор Муҳритдин Ашуров ақидапарастларнинг қаттиқ ғазабини келтирар эди. Уни нималарда айбламадилар, нималар деб ҳақораталмадилар! Шунда ҳам ў ўз қасамёдига, ҳарбий бурчига содиқ қолди.

Тожик-афғон чегарасини қўриқловчи чегарачилар ҳам худди шундай, ҳатто бундан ҳам оғир аҳволга тушишди.

«Чегарага қулф солинган», деган ибора аллақачон ўз маъносини йўқотган эди. Чегарачиларнинг ва заставаларнинг озлиги, тажрибали командирларнинг етишмаслиги кўп километрли, мураккаб рельефли чегарани «шаффоф» қилиб қўйган эди. Ҳар куни ўнлаб одамлар у ёқдан бу ёққа ва буёқдан у ёққа ўтиб туришарди. Кўпчилиги қуролланган эди. Доим отишмалар бўлиб турар, зангори фуражкали йигитчалар ҳалок бўлишарди. «Чегарани кимдан қўриқлаяпмиз, орқадан отишса, ҳақиқий душман қаерда ўзи?» деган савол уларни қийнарди. Бу — муболаға эмас эди. Тун пардаси остида Афғонистонга ўтаётган довон ва сўқмоқларни штурм билан эгаллашар эди. Кўпгина чегара бузувчилар қўлга олинар, тегишли идораларга шахсини аниқлаш учун топширилар эди. Лекин бир неча кундан сўнг шу кишиларнинг ўзи яна чегарадан ўтишга

61.

ҳаракат қилганини кўрган чегарачиларнинг ҳафсаласи пир бўларди.

Тоғли қишлоқ аҳолиси ҳам чегарачиларга жуда салбий муносабатда бўлишарди. Ислом уйғониш партияси ва Демпартия ташвиқотчилари, уларнинг афғон Бадахшонидаги қариндошлари билан дийдор кўришишга Россия ҳарбийлари йўл бермаётганликларига, уларнинг жафолари рус «босқинчилари» туфайли эканига усталик билан ишонтиришар эди. Қозихона ноиблари масжидларда шу ҳақда ваъзхонлик қилишарди. Одамлар эса бунга ишонишарди. Улар ақидапарастлар қандай жарга бошлаётгликларини тушунмасдилар. Белорус, Олий Кенгаши вужудга келган вазиятни ҳисобга олиб, тожик-афғон чегарасида хизмат бурчини адо этаётган юзта фуқаросини чақириб олиш ҳақида қарор чиқарди. Ундан аввалроқ худди шундай қарорни Украина қабул қилган эди.

Нима бўлса ҳам, Ислом ақидапарастлари олдиларига қўйган мақсадларининг кўпчилигига эришдилар. Чегара бир неча йил илгаригидек қаттиқ қўриқланмасди. Таланган бойликлар, пул, машина, қизлар «мужоҳид биродарлардан» олинадиган қурол-аслаҳа ўрнига кетма-кет юборилиб турибди.

Чегарани бузиб ўтаётганлар асло тасодифий кишилар эмасди. Пул, тавсияномалар билан таъминланган, паролни, мужоҳидлар билан учрашув жойларини билган бу одамлар жўшқин Панжни сузиб ўтишар, ислом ақидапарастларининг масъулиятли топшириқларини бажариш учун ўтиб бўлмайдиган сўқмоқлардан фойдаланишарди. Иброҳим Бобоев деган шахс чегарани бузиб, Афғонистондан Тожикистонга ўтишга ҳаракат қилаётганда қўлга олинди, унинг ёнидан НИФА — «Саид Али Фронти» тамғаси босилган босма бланкаларга ёзилган иккита хат топилди.

Уларни сўзма-сўз келтирамиз: «Азиз мужоҳид оғам Мулло Ҳамидулло. Биз, Афғонистон мусулмонлари Тожикистонда муқаддас уруш ғалаба қозонгани ва ислом ҳамда шариат байроғи тиклангани учун Аллоҳга шукурлар қилмоқдамиз.

Кофирларни, худосиз коммунистларни ва уларнинг малайларини ўлдиринг ва йўқ қилинг! Бу курашда сизнинг биродарингиз истаган топшириқларингизни бажаришга тайёр. Бундан кейин пул жўнатманг, уларни ҳеч ким олмаяпти. Олтин жўнатсангиз яхши бўларди. Иш дуруст кетади. Иброҳимжон билан бирга иккита «Калашников», РПГга ўқлар, қўл гранаталари ва ўзимизнинг бир мужоҳид биродаримизни жўнатдик.

Ҳурмат билан оғангиз Саид Малеҳи Саид Акрам».

62.

«...Биродарим Мулла Ҳамидулло. Иккита АКМ, РПГ ўқлари ва бир нечта қўл гранаталарининг умумий қиймати 300 минг афғони бўлади. Иброҳимжондан бериб юборган пулларингиз 195 минг афғони бўлди. Саид Солиҳ».

Мана яна бир қизиқарли ҳужжат. У Қўрғонтепа вилояти Ильич тумани Ғози Малик жомеъ масжиди бланкасига ёзилган ва «мужоҳид биродарларга» бериш учун мўлжалланган.

«Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм!

Ассалому алайкум, ҳурматли Устод. Мен, Нурулло, Сизга маълум қиламанки, 6 сентябрда 47 киши кетди, бугун 10 сентябрда яна 22 киши жўнашга тайёр. Худо ҳоҳласа етиб боришади! Бироқ йигитларни тўплаш борган сари қийинлашяпти. Албатта, бу баъзи раҳбарларнинг масъулиятсизлигидандир. Худо хоҳласа, ҳаракат қилурмиз. Лекин сиз сўраган миқдордагича бўлмаслиги ҳам мумкин.

Хатимнинг охирида, Қундуз вилоятида бизнинг йигитлар кўплигини сизга маълум қиламан. Уларни сафарбар қилинг.

Ҳурмат билан шогирдингиз Нурулло ва Ёқуб».

Бу ерда гап жангариларни тайёрлаш марказларига ақидапарастларга хайриҳоҳ йигитларни жўнатиш ҳақида бормоқда. Лекин исломчиларда «йиғиш» иши унча яхши бормаётгани кўриниб турибди. Кўпчилик Афғонистонга таълим олишга бормаслик учун жуда катта пул билан қутулишга ҳаракат қилишган. Жомеъ масжид бутун ташкилий иш маркази бўлди.

Қурол учун Афғонистонга жўнаш хатарли иш. Чегаранинг «шаффоф»лигига қарамай, ақидапарастларни ҳар қадамда хавф-хатар кутиб турар эди. Чегарачилар нарядига дуч келиб қолиш, отишма вақтида ҳалок бўлиш, жўшқин Панжда чўкиб кетиш, нариги томонда курашаётган мужоҳидлар гуруҳига дуч келиб қолиш мумкин — уларни гапни қисқа қилиб, автоматдан шартта отиб ташлашади-ю, бобокалонларинг ҳузурига равона бўлаверасан.

Бинобарин, оппозиция раҳбарлари қурол олиб келиш учун тажрибасиз ёш йигитлар хизматидан кўпроқ фойдалана бошладилар. Кимнидир қўрқитишар, кимнидир алдашар, бошқаларини сотиб олишар, уларга «ишончли акаларини» бириктириб қўйишар ва Худо ёр бўлсин, деб «муқаддас ишга» жўнатишар эди. Ислом ақидапарастларининг муҳим топшириғи билан «дарёнинг нариги томонида» бўлган учта тожикнинг ҳикоясини эшитинг. Маълум сабабларга кўра уларнинг исмлари ўзгартириб берилган.

63.

«Ўтган йили мен деярли ишсиз эдим, — дейди Ҳисор туманидан келган йигирма уч ёшли Иброҳим. — 1992 йил октябрь ойи бошларида менинг танишим, Ислом уйғониш партиясининг аъзоси бўлмиш Фатхулла «озодлик ва мустақиллик учун курашувчиларга» қурол етказиб бериш учун Афғонистанга ўтиб кетишни таклиф этди. У ишонарли қилиб гапирар, эътироз билдиришга ўрин қолдирмасди. Мен рози бўлдим. Бизлар 22 киши эдик. Юк машинасида Тоғли Бадахшон мухтор вилоятидаги Қалаи-Хумбагача етиб олдик. Кофарниҳон, Обигарм, Комсомолобод орқали кетдик. У ерга қийналмай етиб олдик. Келишилган жойда чегарадан олиб ўтувчини кута бошладик. Ярим кечада Панжга етиб келдик, афғон томонга унча қийналмай ўтиб олдик. Дарбоз уездида бизни бир афғон кутиб олди. У гуруҳимизни мужоҳидларнинг ҳарбийлашган тузилмаларининг бирига кузатиб қўйиши керак эди. Бадахшон музофотидаги Файзободгача саккиз кун пиёда юриб бордик. Басирхон тузилмалари ихтиёрига келдик. Бизнинг бошлиғимизни унинг ҳузурига олиб кетишди. Лекин биз ҳақимизда улар эшитмаган ҳам экан. Тавсия хатлари ва уларни олиб келиши керак бўлган ИУП вакилини улар кўришмаяпти ҳам.

Орқага қайтишимиз мумкин эмасди. Шунинг учун бошлиғимиз Тоҳар вилоятига қози Кабир ҳузурига етиб боришга қарор қилди. Борган жойимизда унинг ўзи йўқ экан. Бизни Кабирнинг ўринбосари қабул қилди. Диққат билан тинглади, Тожикистондаги вазият ҳақида маълумот олди. Пировардида бизга қурол берди ва тезда уйга қайтишимизга буйруқ берди.

Яна ўша йўл билан Панж кечувига етиб олдик. Талофотсиз Душанбега етиб келдик. Қуролларни топширдик ва синчиклаб текширишганда сўнг бизларни уйга қўйиб юборишди. «Жойларингиздан жилманглар. Керак бўлганда, хабар қиламиз!» — деб огоҳлантиришди. Лекин жуда оз пул беришди.

«Олдимга Ислом уйғониш партияси аъзоси, ҳамқишлоғим Фатхулла келганида уйда фақат ун қолган эди, — деб гап бошлади ўн саккиз ёшли Шомахмад». — «Муҳтожликда яшаяпсанми» — сўради у. Мен, ҳозир ким қийналмай яшаяпти, деб жавоб бердим.

64.

ХУШХАБАРЛАР

ТАДБИРКОРЛИК САМАРАСИ

Жиззах таъмирлаш-механика заводининг меҳнат жамоаси иқтисодий алоқаларнинг узилиши туфайли юз берган қийинчиликларни тадбиркорлик билан енгмоқда.

Улар эндиликда Республиканинг ўзидаги корхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйишаётир. Натижада ўтган тўрт ой мобайнида хўжалик ва корхоналарга 405 дона автомобиль моторлари созлаб берилди. 7 та ҳайдов тракторлари таъмирланди.

Бундан ташқари 24 дона бетон қориштирувчи ва ғишт қуювчи ускуналар, 440 минг сўмлик темир панжара, эшик-дарвоза, арава сингари халқ истеъмоли моллари аҳолига сотилди.

Б. РИЗАЕВ.

ПУТЛИЦ ЭНДИ ЎЗИМИЗНИКИ

Немис олими, Физика институти директори, Гейдельберг дорилфунуни профессори жаноб Путлицга Алишер Навоий номли Самарқанд давлат дорилфунуни доктори фахрий унвони берилди.

Бу олмониялик алломанинг Самарқандга тўртинчи ташрифидир. У ҳар гал келганда иқтидорли олимларнинг илм сайъ-ҳаракатларига раҳбарлик қилади, тажрибасини ўртоқлашади. Академик А. Отахўжаев билан ҳамкорликда кўплаб шогирдлар етиштирган Путлиц лазер спектроскопияси борасида дунёдаги энг йирик олимлардан биридир. У АҚШдаги иккита ва Санкт-Петербург дорилфунунлари фахрий докторидир.

Илм аҳлининг алоқаси ишбилармонларимизга ҳам кўчса ажаб эмас...

ЎН СЎМЛИК ВОКЗАЛ

Шунақа, Самарқандда қад кўтарган янги темирйўл вокзалига кирувчилар бундан кейин ўн сўм тўлаб киришади. Албатта, қўлида чиптаси бор йўловчилар бундан истисно.

Бу қоида асосан кузатувчилар учун, — дейди вокзал бошлиғи С. Зоҳидов.— Чунки, улар орасида шунчаки кун кўриш ёки қиғир ният билан юрганлари ҳам йўқ эмас. Қолаверса, яқин кишиларини кузатишга чиққанлардан йиғилган маблағ вокзалнинг озодасаранжомлигини сақлашга сарфланади.

Ф. ТОШЕВ.

«Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллигига

..Ўзбекистон — ватаним меҳанг...



Мустақиллик табассуми.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат.

• Хотира

ЗОЕ КЕТМАГАН УМР

Сирдарё вилоят ҳокимлиги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Рихсивой ОРИФЖОНОВ хотирасини абадийлаштириш ҳақида қарор қабул қилди. Гулистон шаҳридаги «Яшил» театр унинг номи билан аталадиган бўлди.

Шундай одамлар бўладики, бир ерда муқим яшаб, муқим ишлайди. Бутун умрини бир даргоҳ хизматига бахшида қилади. Айни вақтда бир ерда туролмайдиган, ўзини доимо қайноқ ҳаёт қучоғига отадиганлар ҳам бор. Рихсивой Орифжонов ана шундай ижодкорлардан, ҳамкасблари даврасида очилиб кетадиган суҳбати жонон йигит эди. Акс ҳолда иссиқ ўрнини совутиб, ишлаб турган Ҳамза номидаги театрни, устозу шогирдларини тарк этиб, республика бўйлаб кезиб юрармиди?

...1958 йил. Рихсивой Орифжоновни тўсатдан Маданият вазирлигига таклиф этиб қолишди. Каттақўрғон театрида аҳвол анча мушкуллашиб қолганини, парокандалик арафасида турганини айтишди.

— Борганим бўлсин. — деди Рихсивой ва шаҳд ўрнидан турди. — Қачон кетай?

— Қанча тез бўлса, шунча яхши, — дейишди унга.

...Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев асли каттақўрғонлик, волидаи муҳтарамаси — республика халқ артисти Ширин Мелиева маҳаллий театрда кўп йил фаолият кўрсатгани ҳақида неча марталаб ёзилган. Рихсивой ака Каттақўрғонга келганида Баҳодир 14 — 15 ёшли ўсмир эди.

— У киши келиши билан ижодий муҳит, жамоанинг кайфияти жуда ўзгариб кетди, — дея хотирлайди Баҳодир. — Ойим иккови ишларни бамаслаҳат режалаштириб олишди. Кўп ўтмай Уйғунниинг «Ҳуррият», Н. Сафаровнинг «Уйғониш», Ё. Ҳудойқуловнинг «Дугоналар» асари саҳна юзини кўрди ва томошабинлар назарига тушди. Рихсивой ака қандай ишлашини ўшанда кузатганман. Қизиқ одати бор эди: вазифасини бажариши ҳамоно типирчилаб қолар, қаёққадир ошиқаётгандек кўринарди...

Шундан кейин у Самарқандга, Ҳамид Олимжон номидаги вилоят театрига ишга чақирилди. Бу ерда ҳам аҳвол чатоқ экан, ҳеч қандай шароит йўқ, артистлар зада бўлган қушлар сингари ҳар томонга питраб кетган. Ким билан ишлайди? Узоқ ўйлаб ўтирмади. Тошкентга, театр-рассомлик институтига равона бўлди. Актёрлик факультетини тугатган бир гуруҳ ёшларни театрга бошлаб келди. Комил Насриддинов, Ноила ва Асрор Тошкенбоевлар Рихсивой Орифжонов мактабида маҳоратларини оширдилар. Ўзбекистон халқ артисти Зайнаб Содиқова билан ҳамкорликда қўйилган «Эзоп» спектакли сабаб элга танилган Т. Қурбонов сингари санъаткорлар ҳали-ҳали устозларини ҳурмат билан эслайдилар.

Рихсивой Орифжонов нафақат режиссёр, балки истеъдодли актёр, бир қанча саҳна асарларининг муаллифи ҳам эди. «Башаранг қийшиқ бўлса...», «Она ҳукми», «Алданган қиз» каби драмалари мухлисларда яхши таассурот қолдирган, дастлабки «Турмуш сабоқлари» пьесаси Қўқон театрида саҳналаштирилганида мунаққидлар адабиёт майдонида янги истеъдод пайдо бўлди, деб ёзган эди.

...Кўрган-билган кишилар Рихсивой Орифжоновни чўлқувар йигитга қиёслашади. Аслида ҳам шундай, қаерда янги театр, ижодий жамоа ташкиланадиган бўлса, Рихсивой Орифжонов ўша ерда ҳозиру нозир эди. Жиззах ва Сирдарё театрларининг очилишида унинг ўзи бош-қош бўлган. Ҳамкасблари, шогирдлари ишлаб турган Олим Хўжаев номидаги вилоят театрининг санъат даргоҳи сифатида шаклланишида унинг хизматлари беқиёсдир. Шуни ҳисобга олган мирзачўлликлар чўлқувар санъаткор руҳи покини шод қилдилар.

Б. АБДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИДА ТЕСТ УСУЛИ

Мактаб ёшига етгунга қадар болалар етти мингта сўзни билишлари керак. Аслида ҳам шундайми? Улар шунча сўзнинг маъносини тушунишармикан? Бу тўғрида боғча опаларимиз бош қотиришганми? Умуман, болаларнинг фикрлаш қобилиятини аниқласа бўладими? Бўлади, деган хулосага келишди Қўқондаги 21-болалар боғчасида ўтказилган семинар-кенгаш иштирокчилари. Фарғона вилоятидаги барча боғчаларнинг мудиралари, методистлари иштирок этган бу кенгаш болаларнинг фикрлаш қобилиятини тест орқали аниқлашга бағишланди.

21-болалар боғчаси тарбияланувчилардан бир гуруҳи Маъмурахон Аҳмедова тайёрлаган тест синовларидан ўтишди. Қизиқарли ўйинлар орқали жажжиларнинг билағонлигига баҳо берилди.

Методист Э. Саидалиева ўтказган психологик тадқиқот эса кўпчиликни ҳайратга солди. У катта гуруҳдаги болаларнинг ҳар бирига ўз оиласи ҳақида сурат чизишни топширди. Ва бу суратлар орқали уларнинг оилавий муҳити, феъл-атвори ҳақидаги хулосаларини айтиб берди.

Семинар-кенгаш иштирокчилари болалар қобилиятини синашнинг бундай усули яхши самара беришига амин бўлганликларини таъкидладилар.

Ш. ИСРОИЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• «Ўзбекистон овози»да босилгандан сўнг

«ТАҚЧИЛЛИК САБАБИ НИМАДА?»

Газетамизнинг шу йил 4 апрель сонида ёритилган «Тақчиллик сабаби нимада?» сарлавҳали мақолада Китоб матлубот жамиятига қарашли магазинларда аҳолига меъёр бўйича сотиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотида узилишга йўл қўйилаётганлиги танқид қилинган эди.

Орадан кўп ўтмай Китоб тумани ҳокими О. Пармонов «Ўзбекистон овози» газетасининг Қаршидаги мухбирлик пунктига қилган хабарида айтилишича, танқидий мақоладаги фактлар район фаолларининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилган ва республика газетасининг район сардо ташкилотларидаги аҳвол тўғрисида чиқиши ҳаққоний ва тўғри деб топилган.

— Ўзбекистон раҳбариятининг не-не машаққатлар билан валюта маблағларини сарфлаб, энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келаётганликларига қарамай, — дейди туман ҳокими, — айрим юлғич савдо ходимларининг айби билан ана шу меъёрланган маҳсулотлар ўз эгаларига етиб бормаяпти. Чунки савдода тартиб-интизом бўшашиб кетган, нафс балоси авж олган. Баъзи кимсалар халқнинг ризқига чанг солиб, мўмай бойлик орттиришга интилмоқдалар.

Район ҳокимлиги танқидий мақоладан тегишли хулоса чиқариб, Китоб матлубот жамияти раҳбарларига нисбатан маъмурий чоралар кўрди: матлубот жамияти ранси А. Эргашев вазифасидан бўшатилди, Китоб ва Ҳайробод матлубот жамиятлари бирлаштирилиб, туман матлубот жамияти ташкил этилди. Савдода тартиб ўрнатиш, аҳолини меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан муттасил таъминлаб бориш юзасидан яхлит тадбирлар ишлаб чиқилди.

КАРБИД КЕРАКМИ, МАРҲАМАТ!

Иш билганнинг машаққати оз бўлади. Ҳозирги пайтда республикамизда қурилиш материалларига сезилаётган эҳтиёжни қоплашнинг ўзи бўлмайди. Ёғоч, шифер, цемент каби кундалик камёб қурилиш материалларининг аксарияти ҳозир ҳам четдан келтирилаётир. Уларни бошқа минтақалардан олиб келиш билан боғлиқ муаммолар эса кам эмас.

Андижонда бир корхона бор. У ерда қурилиш саноатида ишлатиладиган ўта ноёб маҳсулот — карбид ишлаб чиқариладиган бўлди. Андижонлик мутасаддиларнинг тўрт йил давомида елиб-югуришлари натижасиз кетмади. Эндиликда «Ўзагросантехгазмонтаж» трестига қарашли Андижон «Карбид» кичик корхонасида карбид ишлаб чиқариш мунтазам йўлга қўйилди.

Корхона директори Рафиқ Ҳакимовнинг таъриф беришича, Андижонда бу маҳсулотни тайёрлаш учун табиий шарт-шароит етарли. Бу андижонликлар йилнинг исталган вақтида карбид етказиб беришга тайёр дегани.

Республикамизда бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги пайтда «Карбид»дай тезкор корхонанинг истеъмолчиларимизга дадил пешвоз чиқиши синга лойиқдир.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган карбид-кальций давлат ўлчамлари даражасида, истеъмолчилар уларни юз, бир юз олтмиш килограммли идишларда сотиб олишлари мумкин. Тўлов шартлари ҳам ҳар икки томоннинг келишувига мувофиқ пул ўтказиш ва маҳсулот алмашиш йўли билан амалга оширилади. Корхона билан алоқа ўрнатишни истаганлар Андижон шаҳридаги қуйидаги телефонларга кеч соат ўн тўққиздан кейин мурожаат қилиши мумкин: шаҳар коди: 374-22, 5-64-25, 5-11-87 ва 6-47-47.

(ЎзА).

Тошкентдаги 172-мактаб томонидан 1984 йилда Зорина Борисовна Цаткина номига берилган Т-литер № 300807 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:

Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16
Жиноятчиликка қарши кураш — 33-76-04, 32-26-70.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16, 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16
«Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70.
Котибият — 33-72-83, 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ:

Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-74-76;
Нукусда — 2-42-62;
Қаршида — 3-25-79;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Термизда — 2-23-01;
Фарғонада — 6-37-16.

Навбатчи муҳаррир: А. ПЎЛАТОВ.

● Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди.
● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
● Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Хажми 2 босма табоқ, тиражи 166.770 нусха.
Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 20.30.
Г—274. № 104.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 1 2 3 4 5 6.